



ТАДБИРКОРЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ



Халқаро анжуманлар саройида 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқоти бўлиб ўтди.

Бундай шаклдаги учрашув Ватанимиз тарихида илк бор ўтказилди. Унда янги Ўзбекистондаги ислохотлар ва ўзгаришларга бефарқ бўлмай, ташаббус ва фаоллик кўрсатаётган тадбиркорлардан 600 нафари бевосита иштирок этган бўлса, 1 минг 800 нафари ҳудудларда, 8,5 минг нафари туман ва шаҳар студияларида, жами 10 мингдан ортиқ ишбилармонлар қатнашди.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, барча вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Сўнгги беш йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингта яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Уларга асосан, 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача 2 бараварга қисқартирилди. Ортиқча текширишлар,

нақд пул, валюта ва хомашё бўйича кўплаб чекловларга барҳам берилди.

Бундай қулайлик ва имкониятлар натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирмоқда. Охирги беш йилда тадбиркорлар сони қарийб 3 баравар ошди. Кўп ишбилармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратиб, нуфузли йирик компанияларга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендига эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади.

Мазкур очик мулоқотта тайёргарлик доирасида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида Республика штаби ташкил қилинди. Штаб 20 июлдан 10 августгача туну кун фаолият олиб борди. Унга тадбиркорлардан 15 мингдан зиёд мурожаат келиб тушди. Мурожаатлар кўпчилиги сабаб уларни қабул қилиш жараёни узайтирилди.

Мурожаатларнинг 40 фоизи бизнесни молиялаштириш, кредитлаш ва субсидия ажратиш, 21 фоизи ер ва бино ажратиш, 5 фоизи бизнесни бошлаш бўйича ғоялар, шунингдек,

инфратузилмага улаиш, рухсатнома, лицензия олиш, солиқ тизими, савдо масалаларига тааллуқли. Бугунги кунгача уларнинг 12 мингдан ортиги, яъни 82 фоизда кўтарилган масалалар ижобий ечимини топган. Тадбиркорларнинг муаммолари, савол ва таклифларини ҳал этишда Наманган, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро вилоятлари намуна бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тадбиркорлар мурожаатлари билан ишлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, шунингдек, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашни кучайтириш мақсадида институционал тузилмалар шакллантирилди. Хусусан, Савдо-саноат палатаси, Бизнес Омбудсман институтлари, Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини қўриб чиқиш бўйича қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда давлат хизматлари марказларида кўрсатилаётган 160 турдаги давлат хизматидан 75 таси бевосита тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ. Бу соҳа вакиллари фаолиятига янада енгиллик яратмоқда.

▶ Давоми 3-бетда



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTINING TADBIRKORLAR BILAN
OCHIQ MULOQOTI

ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ ВА ЯНАДА КЕНГ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН
БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ — ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи

Хурматли тадбиркорлар ва учрашувимиз иштирокчилари!

Авваламбор, бугун барчангизни соғ-саломат ва кўтаринки кайфиятда қўриб турганимдан беҳад хурсандман.

Хеч шубҳасиз, кейинги йилларда сизлар иқтисодиётимиз ва ислохотларимиз таянчига ҳамда локомотивига айландигиз, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Сиз каби ишнинг кўзини биладиган, ишбилармон юртдошларимиз тисмолида биз том маънодаги Янги Ўзбекистон бунёдкорларини кўраимиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келишини таъкидлаш лозим. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшларимиз меҳнат қилаётгани унинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ортиб бораётганини кўрсатади. Шу боисдан ҳам агар биз иқтисодиётимизни, ижтимоий соҳани янада юксалтирамиз десак, тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имконият ва шароитларни яратиб беришимиз зарур.

Албатта, кейинги 3-4 йилда тадбиркор учун кредит ва субсидия олиш, лицензия, кўчмас мулк ва ресурсларга эга бўлиш, экспорт каби масалаларда кўплаб янги имконият ва шароитларни яратдик. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валю-

та ва хомашё бўйича мавжуд чекловлар, тўсиқ ва ғовларнинг аксариятига барҳам берилди.

Энг асосийси, эл-юртимиз ўртасида ва давлат идораларида тадбиркорларга нисбатан муносабат ўзгарди, жамиятда уларнинг обрўси ва мавқеи кун сайин тобора ортиб бормоқда. Натижада ички ва ташқи бозорда ўз мустақам ўрнига, нуфузи ва брендига эга бўлган ҳақиқий тадбиркорларимиз синфи шакллана бошлади.

Масалан, биргина Наманган вилоятида — “Chust Textile” (ака-ука Исматуллаевлар), “Art Soft Holding” (ака-ука Бобохоновлар), Тошкент шаҳрида — “Techno export” (Шерзод Қосимов), Тошкент вилоятида — “New Way Industries” (Сардор Аббосхонов), Самарқандда — “Oxalik Oltin Bog'i Mevasi” (Олим Солиев) каби корхоналар ўз фаолиятини “ноль”дан бошлаб, ҳозирги кунда 10-15 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилмоқда. Айни пайтда уларнинг ҳар бири минглаб иш ўринларини яратиб, нуфузли йирик компанияларга айланиши диққатга сазовордир.

Таъкидлаш кераки, бундай юқори самарали фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳар бир ҳудудда кўплаб топилади. Мисол учун, Андижонда — “Dinar tekstil” (Ҳадиятилло Тиллабоев), Қашқадарёда — “Bunyodkor” (Ғолиб Эркўлов), Сирдарёда — “Sirdaryo mega lyuks” (Мухиддин Норматов), Фарғонада — “Fergana global textile” (Мўминжон Разақов), Хоразмда — “Xorazm tex” (Алишер Собиров), Жиззахда — “Sangzor tekstil”

(Отабек Хўжаметов), Бухорода — “Parvoz ximo ravnaq trans” (Шермухаммад Очилов), Сурхондарёда — “Indenim klaster” (Шерзод Шоймардонов), Навоийда — “Baht-Textile” (Баҳриддин Мўминов) каби корхоналар, қисқа муддатда ишлаб чиқариш, экспорт ва иш ўринларини 10-15 баробар оширишга эришганини алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман.

Камол Абдуллаев, Қутлимурат Панаев, Муртазо Раҳматов, Улуғбек Сотиболдиев, Улуғбек Тухтабоев, Мурод Ёкубов, Зафар Ҳошимов, Шавкат Жамолов, Мурод Назаров, ака-ука Мамасайдовлар, Фаррух Фузаилов, Бахтиёр Азизхўжаев, Фарход Мамажанов, Бекзод Маматқўлов, Бахтиёр Умаров каби нуфузли тадбиркорларимиз эса ўз бизнесларини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб бормоқда.

Хурматли тадбир иштирокчилари! Мен бугун ушбу залда ва жойлардаги студияларда қатнашаётган юзлаб тадбиркор ёшлар ва опа-сингилларимизни қўриб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Биз кейинги 2 йилнинг ўзида фақатгина хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга 500 миллион доллар маблағ йўналтирдик. Улар ўз бизнесини бошлаши, жумладан, касб ва тадбиркорликни пухта ўрганиши учун барча шароитлар яратилди.

Намангандан — Анна Добрих, маргилонлик — Наргиза Аминова, хоразмлик — Шахло Йўл-

дошева, Тошкент шаҳридан — Мунира Қориева, Мадина Аюпова, Тошкент вилоятидан — Наргиза Бекмуродова, сурхондарёлик — Муҳаббат Қаюмова каби юзлаб аёлларимиз бугунги кунда эл-юртимизга танилган тадбиркорга айландилар.

Сўнгги 5 йилда мамлакатимизда ёш тадбиркорлар 5 баробар кўпайиб, уларнинг сони 500 мингдан ошди.

Тадбиркор аёллар ва ёшлар сафини янада кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бундан кейин ҳам иқтисодий сиёсатимизнинг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Қадрли тадбиркор дўстларим!

Биз доимо изланиб, янгилликка интилиб яшайдиган тадбиркорларимизни, ўз ишига фидойи ва жонқуяр, ватанпарвар инсонлар деб биламиз ва уларни қадрлаймиз.

Айниқса, мураккаб пандемия давридаги синов ва қийинчиликлар пайтида ҳам халқимизга мададкор бўлиб, ўз бизнесини нафақат сақлаб қолган, балки янги иш ўринларини яратиб, муҳтожларга кўмак бераётган ҳамда ишлаб чиқариш ва экспортни оширган тадбиркор дўстларимга бугун чин қалбимдан раҳматлар айтаман.

Ана шундай фаол ва фидойи тадбиркорларнинг 100 нафарига, чўқур миннатдорчилик рамзи сифатида, биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан миннатдорчилик хатини имзоладим.

Ана шу тадбиркорларимизнинг 50 нафари шу

залда, яна 50 нафари эса ҳудудий студияларда қатнашмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, шундай эътирофга сазовор бўлган фидойи, ватанпарвар, саховатпеша ва ғайрат-шижоатли тадбиркор ва ишбилармонларга яна бир бор чўқур ташаккур билдираман ва сизларнинг сирингиз бутун мамлакатимиз бўйлаб кун сайин кенгайиб боришига астойдил ишонаман.

Азиз юртдошлар! Бугун илк бор мутлақо янгича форматда — очик мулоқот шаклида сизлар билан юзма-юз учрашиб, бизнес соҳасидаги муаммо ва масалалар ҳақида батафсил гаплашиб олишга қарор қилдик.

Хабарингиз бор, камбағалликни қисқартириш, “маҳаллабай” ишлаб, жойларда ўсиш нуқталарини аниқлаш, ишсизликни камайтириш, аҳоли даромадларини ошириш бўйича катта марраларни белгилаб олганмиз. Бу борада давлат идоралари ва хизмат кўрсатувчи барча ташкилотлар тадбиркорлар билан ҳар кун яқин ҳамкорликда ишлаб, уларга амалий ёрдам кўрсатиши шарт.

Бугунги мулоқотта тайёргарлик жараёнида кўплаб савол ва таклифлар тушгани сабабли мурожаатларнинг қабул муддатини 1 августдан 10 августга қадар, яъни 10 кунга узайтиришга мажбур бўлдик. Тадбиркорлардан 15 мингдан ортиқ савол, таклиф ва ташаббуслар келиб тушди ва шу кунгача жойларда уларнинг кўпчилиги ҳал этилди.

▶ Давоми 2-бетда



ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ ВА ЯНАДА КЕНГ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ — ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентни Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи

► Бошланиши 1-бетда

Айниқса, Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ишлар тизимли ташкил қилиниб, тадбиркорларимизнинг 90 фоиз муаммолари қисқа фурсатларда ҳал қилиб берилгани, албатта, қувонарли ҳол.

Қаерда муҳит яхши бўлса, ҳудуд ва тармоқ раҳбарлари Президент талабини тўғри тушунган бўлса, ўша ерда иш услуби, тадбиркорларга муносабат ўзгарган. Аксинча, тадбиркорнинг дарди билан яшамаган, улар кўтарган муаммоларнинг ичига кирмасдан, кўмак бермаган раҳбарлар фаолиятига эса, халқимизнинг ўзи баҳо беради ва бундай раҳбарларга бизнинг сафимизда ўрин йўқ ва келажақда ҳам шундай бўлади.

Бир нарсани барчамиз аниқ тушуниб олишимиз лозим. Тадбиркорларимизнинг ушбу мурожаатлари — амалдаги ислохотларимиз кўзгусидир. Шу боис, ҳар бир вазирлик ва идора раҳбари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари келиб тушган мурожаатларни ўзларининг фаолиятига берилган баҳо, деб билишлари, бундан тўғри хулоса чиқариб, мазкур йўналишда кескин ўзгаришлар қилишлари зарур ва шарт.

Ташаббус кўрсата олмайдиган, янги-янги ғояларни кўтариб чиқишга, ўзгариш қилишга интилиши бўлмаган раҳбарларга нисбатан талаб ва чоралар жуда қаттиқ бўлади.

Ҳурматли бизнес вакиллари!

Мен сизлар томонингиздан кўтарилган масалалар билан атрофлича танишиб қичдим. Шу боис, сизларни қийнаётган барча муаммо ва саволлардан тўла хабардорман.

Бугунги кунга қадар энг долзарб муаммоларни тизимлаштириб, уларни ҳал этишга қаратилган 7 та муҳим йўналиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқдик. Бугун сизлар билан биргаликда уларни батафсил муҳокама қилиб ололмокчимиз.

Биринчи йўналиш. Сизлардан келиб тушган мурожаатларнинг 40 фоизи бизнесни молиялаштириш ва молия-кредит масалалари билан боғлиқ. Ушбу мурожаатларнинг асосий қисмида кредит ставкаларининг юқорилиги ва қўлпаб кредитларнинг қисқа муддатта, тадбиркор учун ноқулай шартларда берилаётгани қайд этилган.

Масалан, Ўругда электр техникаси маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган “Sam Elektro Servis” корхонаси икки ярим миллирдан сўм кредитни 3 йил муддатда олгани, корхона фойда билан ишлаши учун эса, унга камида 5 йил муддат кераклигини ташкидлаган.

Ҳақиқатан ҳам, тан олиб айтишимиз керак, тадбиркорларга бугунги кунда берилаётган аксарият кредитларнинг муддати 3 йилдан ошмайди.

Шунингдек, банклар томонидан 18 мингга яқин тадбиркорга йиллик 8-10 фоизда хорижий валютада берилган кредит, валюта курсининг музгиллаш ҳам ўсиши ҳисобидан, қўшимча харажатларни юзага келтирмоқда. Бу ҳақда мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушгани ҳам ушбу масалалар тадбиркорликни ривожлантириш йўлида оғир юк, тўсиқ бўлиб турганини кўрсатмоқда. Шу боис, тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базаси ва кредитларнинг мақбул фоиз ставкаларини шакллантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўришимиз талаб этилади.

Биринчидан, банкларнинг капиталини ошириш бўйича қўшимча имкониятлар ишга солинад. Бунинг учун келгуси йилда банкларга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан бозор тамойиллари бўйича қўшимча 600 миллион доллар ажратилади. Бу маблағлар танлов асосида, ҳам давлат, ҳам хусусий банкларга жойлаштирилади.

Қайси банк энг яхши бизнес режа, қайтими юқори ва энг кўп иш ўрни яратадиган лойиҳаларни тақдим этса, ушбу маблағлар ана шу банкларга ажратилади.

Иккинчидан, юқорида қайд этилган маблағларни жалб этимоқчи бўлган банкнинг ўзи ҳам ташқи ва ички молия бозорларидан камида 30 фоиз қўшимча ресурслар жалб қилади. Жумладан, банклар томонидан келгуси йили халқаро молия бозорларида миллий валютада 5 триллион сўмлик евробондлар чиқарилади.

Шунингдек, Ўзбекистон бозоридида ишлашга тайёр, замонавий технологияларга эга бўлган йирик хорижий банкларнинг юртимизга кириб келиши учун кенг имкониятлар яратамиз. Бу ҳам, ўз навбатида, тадбиркорларимиз учун қулай шароитлар тақдим этади ва барча тизимда биз учун ниятда керак бўлган соғлом рақобат пайдо бўлади.

Бугунги йиғилишда қатнашаётган ҳар бир банк раҳбари “тобора қулайиб бораётган рақобатга муносиб бўлиш ҳамда тадбиркорларни рози қилиш учун бешимни ўзгартиришни керак”, деган саволни ўзига бериши ва жиддий хулоса қилиши лозим.

Учинчидан, банклар четдан ресурсни қандай валютада жалб этишдан қатъи назар, тадбиркорларга кредитни миллий валюта — “сўм”да ва бизнес вакиллари учун мақбул фоизларда бериш тизими йўлга қўйилади.

Хорижий валютада кредит олган ва бугун қийин аҳволга тушиб қолган юзлаб тадбиркорларимиз ушбу масалани ўз мурожаатларида кўтарганлар. Шу боис, Молия вазирлиги ҳузурида Валюта хатарларини бошқариш компанияси ва ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилади. Ушбу компания банклар томонидан чет эл валютасида жалб қилинаётган маблағларни сўмга ўтказиб, кредитни ички бозорда фақат миллий валютада бериш учун зарур шароит яратеди.

Лўнда қилиб айтганда, бундан буён доллар ёки евро курсининг ошиши тадбиркор учун қўшимча муаммо ёки ортиқча харажатларни юзага келтирмайди. Мазкур компания барча ҳудуд ва тармоқлар билан яқин ҳамкорликда ишлайди.

Тўртинчидан, бундан буён Ҳукумат томонидан халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинаётган имтиёзли маблағлар ҳисобидан банкларга бериладиган кредитларнинг муддатини чеклаш амалиёти бекор қилинади.

Ушбу масала ечимига Бош вазир ўринбосари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазيري Ж.Қўчқоров, молия вазيري Т.Ишметов, Марказий банк раиси М.Нурмурадوف шахсан масъул бўлади.

Бешинчидан, жорий йил 1 октябрдан бошлаб илгари 1 миллион долларгача хорижий валютада олинган 6 мингга яқин тадбиркорнинг жами 1 миллиард долларга яқин кредитлари, тадбиркор ва тижорат банклари ўртасидаги келишувга асосан миллий валютага ўтказиб берилади.

Умуман, юқорида тақлиф этилаётган механизмлар ҳисобидан тижорат банкларида ҳар йили ўртача 30-40 триллион сўмлик миллий валютадаги узоқ муддатли қўшимча ресурслар шаклланади. Бунинг ҳисобидан тадбиркорлар миллий валютадаги кредитларни узоқ муддатта ва ҳозирги ставкалардан камида 5 фоиз арзон олиш имкониятига эга бўладилар.

Ўйламанки, бундай янги имкониятлар мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожига кучли туртки беради.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Мен яхши тушушман, ҳамма арзон кредит олишни хоҳлайди. Лекин кредит бўйича фоиз ставкаларини сунъий пайсаятирсак, пул-кредит бозоридagi мувозанат бузилади. Шунинг учун иқтисодиётга арзон кредит берамиз деб, макрoиқтисодий барқарорликни унутиб қўймағилимиз лозим. Барқарорлик бўлмаса, иқтисодий ўсиш бўйича қўзлаган мақсадларимизга эриша оламиймиз.

Бу борада фоиз ставкаларига бевосита таъсир этадиган инфляцияни, яна такрор айтман, инфляцияни пайсаятириш ҳамда банк орқали кредитлаш жараёнини тўлиқ бозор механизмларига ўтказишга қаратилган ишларни изчил давом эттирамиз.

Замонавий бозор тамойилларида ишлаш учун ҳудудларда банклар лойиҳа фабрикалари ва тадбиркорликка ўқитиш марказларини ташкил этиб, хорижий мутахассисларни жалб қилмоқда. Ушбу марказлар тадбиркорларга, айниқса, ёшларга ўз ғояларини амалиётга татбиқ этиш, бизнес режаларини ишлаб чиқиш, маблағлар жалб қилишга ёрдамлашди ҳамда уларга бизнес жараёнининг барча занжирдага кўмакқош бўлади.

Умуман, инфляция даражасини жорий йилда 10 фоизга, келгуси икки йилда 5 фоизга тушириш режа қилганимиз. Бу эса, табиий равишда кредит ставкаларини ҳам мақбул даражага тушириш ва муддатини узайтириш имконини беради.

Олтинчидан, ислохотларимиз учун ўта муҳим бўлган оилавий тадбиркорлик йўналишида ҳам 2 мингга яқин мурожаатлар келиб тушган. Энди бу янги тизимда одамларимиз тадбиркорлик учун кредит оламан деб ҳоқимиятга, банкка ёки бошқа идорага бориб юрмайди, асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун таъминотчини қаердан топаман, деб, бош қотиришга зарурат қолмайди.

Кредитни расмийлаштиришдан тортиб, маҳсулотни олиш ва сотишгача бўлган барча жараёнлар электрон тарзда, онлайн шаклида ҳал этилади. Ўз навбатида, ушбу платформа таъминотчи корхоналар учун ҳам камида 10 триллион сўмлик бозор яратеди. Яъни, таъминотчилар учун ўзлари ишлаб чиқарган асбоб-ускуналар, хомашё ва тайёр маҳсулотларни тўғридан-тўғри сотиш имконияти яратилади.

Иқтисодий комплекс раҳбарлари — Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров, Марказий банк раиси М.Нурмурадوف, тижорат банклари уч ой муддатда жойларда тадбиркор ва аҳолимизга ушбу қулайликларни атрофлича тушунтириб, ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйишни ташкил этишлари зарур. Бу борада ишни маҳаллабай ташкил этиш бўйича Андижон тажрибасини бутун мамлакат бўйлаб кенг қўллаш лозим бўлади.

Еттинчидан, қўлпаб мурожаатларда бизнесни молиялаштириш манбаларини янада қўлайтириш мақсадида банкдан ташқари кредит ташкилотларини очиш ва юритишга бўлган мавжуд талабларни қамайтириш ва енгиллаштириш сўралган. Бу масала Андижондан “Almaz Finans” корхонаси раҳбари Олимжон Охунов ва Жizziхдан “Diamond-N Trade Capital” корхонаси раҳбари Шерзод Соатовнинг мурожаатларида ҳам кўтарилган.

Бу тақлифлар бизга жуда маъқул. Шунинг учун жорий йил 1 октябрдан маҳсулотли ташкилотларини лицензиялаш тартиби тўлиқ бекор қилинади. Энди улар ўз фаолиятини бошлаши учун фақатгина Марказий банк реестрига киришлари кифоя.

Шунингдек, бундан буён уларга касса учун хоналар ташкил этиш, ҳудудларда филиаллар очишда Марказий банкнинг розилигини олиш шарт бўлмайди. Улар томонидан тадбиркорларга бериладиган микрокредит (300 миллион сўм) ва микролизинг (600 миллион сўм) учун амалдаги чекловлар ҳам олиб ташланади.

Шу билан бирга, микромолия ташкилотларига бошқа ташкилотлардан маблағлар жалб этиш, облигациялар чиқариш ҳуқуқлари ҳам берилади. Шунингдек, ушбу ташкилотлар, худди банклар каби, тўловларни қабул қилиш ваколатига ҳам эга бўлади.

Умуман, ушбу янги имкониятлар ҳисобидан ҳам кредит бозорида тадбиркорларимиз учун йилга қўшимча 10 триллион сўм маблағ шаклланади.

Иккинчи йўналиш — солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юқини имкон қадар қамайтиришга оид.

Маълумки, сўнгги ўн йилда солиқлар тури 16 тадан 9 гага қисқарди. Қўпчилигининг эсидан чиққан бўлиши мумкин, яқингача Пенсия, Мактаб ва Йўл жамғармаларига бизнес учун оғир юк бўлган 3,2 фоизли йиғимлар тўланар эди. Ушбу йиғимлар корхоналарнинг фойдасидан қатъи назар, оборотдан олиниб, уларнинг микдори корхоналарнинг камида 20-25 фоиз фойдасига тенг бўлган.

Бюджетдан ташқари жамғармаларга мазкур йиғимларни бекор қилиш ҳисобидан 7 мингга яқин корхоналар ҳар йили ўртача 6 триллион сўм солиқ тўлашдан озод бўлди. Масалан, биргина “Andjokabe” корхонаси ихтиёрида 11 миллиард сўм, “Lactalis Agro” қўшма корхонасида эса 3 миллиард сўм маблағ қолдиган бўлди.

Мол-мулк, даромад солими ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баробар қамайтирилди.

Аниқ мисоллар билан гапирадиган бўлсак,

транспорт соҳасида солиқ юки — 3 баробар, озин-овқат саноатида — 2 баробар, тўқимачилик ва электр техникаси саноатида эса, 20 фоизгача камайди.

Айниқса, пандемия даврида харажатларимиз кескин ошганига қарамаздан, қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилди, кўпроқ зарар кўрган тармоқларга иқтимоий солиқ 12 фоиздан 1 фоизга пайсаятирилиб, мол-мулк ва ер солиқлари тўловларидан буткул воз кечилди. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлар ихтиёрида қолган 2 триллион сўм маблағни бизнес фаолиятига сарфлаш имконини берди. Лекин солиқ ставкалари ва солиқ маъмуричилиги бўйича тадбиркорлар томонидан кўтарилаётган ҳақли саволлар ҳали жуда кўп.

Биринчидан, ўтган йили янги Солиқ кодекс амалга киритилгандан кейин 23 та махсус иқтисодий зона иштирокчилари аввалги имтиёзларини сақлаиб қоладими ёки йўқми, деб безовта бўлмоқда. Ушбу масалада махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари бўлган Сирдарёдан — “AWP” қўшма корхонаси (*Комил Мирзаяев*), Тошкент вилоятидаги — “Steel Pipe Company” (*Азизхон Ҳафизхонев*) каби 70 дан зиёд корхона вакиллари мурожаат қилган.

Бу борада бир фикрни аниқ қилиб айтмоқчиман: 2020 йил февраль ойида “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонун қабул қилингунгача қадар иқтисодий зоналарда рўйхатдан ўтган тадбиркорларга берилган имтиёзлар сақлаб қолинади. Бунга қонун билан қафолат берилган. Жумладан, ушбу тадбиркорлар инвестиция микдоридан келиб чиқиб, мол-мулк, ер ва сув солиқларидан 10 йилгача озод қилинган эди.

Энди ушбу имтиёзларга фойда солиғи ҳам қўшилади ва корхоналар ихтиёрида йилгача қарийб 300 миллиард сўм маблағ қолади. Масалан, “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасидаги “Temir Med Farm” корхонаси ўтган 6 ойда 4 миллиард сўм фойда солиғи тўлаган бўлса, иккинчи ярим йилгида эса камида шунча маблағ унинг ўзида қолади.

Шунингдек, ички бозорда тенг рақобат бўлиши учун экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга олиб келинган хомашё импорт божидан озод этилади. Мисол учун, “Jizzax” эркин иқтисодий зонасида жойлашган “Jizzax Toshpera Textile” корхонаси маҳсулотини тўлиқ экспортга сотади. Бу имтиёз эвазига ушбу корхона олиб келган 1 миллион долларлик хомашё ва ярим тайёр маҳсулотга 2,2 миллиард сўмлик божхона имтиёзи берилади.

Айни пайтда бир нарсани аниқ тушуниб олиш лозим. Биз қўшилган қиймат солиғининг улускиз занжирини яратиш бўйича катта ислохотларни олиб бораёмиз. Шу боис, махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига қўшилган қиймат солиғининг ортиқча қисмини 7 кун ичида қайтариб бериш тартиби жорий қилинади. Бундай тартиб тадбиркорларга бир йилда ўртача 350 миллиард сўм қўшилган қиймат солиғини қисқа муддатда қайтариб олиш ва айланма маблағларини қўлайтириш имкониятини беради.

Бундан ташқари, четдан олиб келинган товарлар учун қўшилган қиймат солиғини 120 кун давомида бўлиб-бўлиб тўлашда тадбиркорларга фоиз ҳисобланмайди ва гаров талаб этилмайди.

Иккинчидан, мамлакатимизда қурилиш соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Маҳсулот таннарахини қамайтириш бўйича Тошкент шаҳридаги “Shah-Polan M”, Фарғонадаги “Farg’ona Yasin Qurilish Mollari” каби 50 дан зиёд қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналардан тақлифлар келиб тушган. Масалан, ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ цементнинг таннариҳида — 14 фоиз, асфальтга — 10 фоиз, қум-шағал аралашмасида — 7 фоизни ташкил этади.

Шу боис, норода қазилмаларга (қум-шағал, охактош, гипс, доломит каби) ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 2 баробар қамайтирилади. Бунинг ҳисобидан 1,5 мингга яқин корхоналар ихтиёрида йилгига 500 миллиард сўм маблағ қолади. Масалан, “Huaxin Cement Jizzakh” қўшма корхонаси ўз ихтиёрида қолган 27 миллиард сўм маблағни ўз фаолиятини янада кенгайтиришга сарфлаши мумкин бўлади.

Учинчидан, биз хизматлар соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаёмиз. Қисқа муддатда янги иш ўринларини яратадиган соҳалардан бири ҳам сервис соҳаси ҳисобланади.

Мана, пандемия хануз давом этапти ва бу хизматлар соҳаси, айниқса, умумий овқатланиш ва туризм корхоналари учун қанчалик оғир бўлаётганини барчамиз қўриб турибмиз, албатта.

Бу борада умумий овқатланиш ва туризм корхоналаридан ўтган йили берилган имтиёзларни узайтириш бўйича 300 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Шу боис, жами 13 мингга умумий овқатланиш корхонасини йил якунига қадар ер ва мулк солиғидан озод қиламиз. Бу имконият уларга 30 миллиард сўм қўшимча кўмак деганидир. Уларнинг бошқа солиқлардан мавжуд 35 миллиард сўм қарзлари бўйича тўлов муддатлари жорий йил якунигача узайтирилади, кредитларини қайтариш ҳам кечиктирилади.

Шу билан бирга, туризм компаниялари ва меҳмононаларини туристик йиллардан 2 йил муддатга озод қилсак, нима дейсизлар? Бу — ҳозирги қийин шароитда тушуми қамайиб кетган 2 минг нафар тадбиркор ихтиёрида 150 миллиард сўм қолади, дегани.

Тўртинчидан, бугунги кунда 5 мингга яқин тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо операциялари бўйича дебитор қарздорлиги мавжуд.

Пандемия сабабли ушбу тадбиркорларга жарима солиш ва ҳозирги пайтгача қўлланган 6 триллион сўмлик жарималарни ундириш жорий йил якунига қадар тўхтатилади.

Бешинчидан, солиқ маъмуричилигини соддалаштириш, солиқ идораларининг назорат функцияларини такомиллаштириш юзасидан жиддий чораларни амалга оширишимиз зарур.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб солиқ идоралари ўз электрон дастурлари орқали бизнес субъектларига ҳисоботларини шакллантириш хизмати йўлга қўяди.

Ҳозирги вақтда 228 мингга кичик тадбиркорларда бухгалтер йўқ. Оқибатда солиқ ҳисоботларини қамчиликлар билан топширган 32 мингга яқин тадбиркорга молиявий жарима солинган.

Ҳисоботларни кечиктириб топшириш билан боғлиқ молиявий санкцияларни қўллаш тартиби эса тўлиқ бекор қилинади.

Шунингдек, солиқ идоралари қўллаётган айрим жарималар сони ва микдорининг ортигани мени хавотирга солмоқда. Ўтган йили камерал назорати натижасида 336 та корхонага 51 миллиард сўм молиявий жарима қўлланган бўлса, жорий йилнинг 6 ойида 3 мингдан зиёд тадбиркорларга 900 миллиард сўмдан ортиқ жарима белгиланган.

Шунинг учун Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров, молия вазيري Т.Ишметов, Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Қўдбиев, адлия вазيري Р.Давлетов, Бизнес-омбудсман Д.Қосимов бир ой муддатда солиқ идораларининг камерал назорати натижасига кўра молиявий жарима қўллаш амалиётини бекор қилиш бўйича тақлиф киритсин.

Олтинчидан, амалдаги тартибга биноан, тадбиркорлар қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобот топшириш билан бирга, ундаги фарқни қайтариш учун солиқ идораларига алоҳида мурожаат қилишга мажбур. Бу — 14 минг тадбиркорнинг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлиб, улар учун қўшимча вақт, ортиқча сарсонгарчилик, дегани.

Молия вазيري Т.Ишметов, Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Қўдбиев бу масалани чўқур ўрганиб, келгуси йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғини қўшимча ҳужжатсиз қайтариш тартибини амалиётга жорий этиш.

Еттинчидан, “SAG Agro” корхонаси раҳбари Камол Абдуллаев ва бошқа 200 дан ортиқ тадбиркорлар солиқ ва божхона идораларига тўланган қўшилган қиймат солиғини “зачёт”га олиш, яъни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш имкониятини сўраган.

“SAG Agro” корхонасининг солиқ базасида 700 миллион сўм ортиқча тўловы бўлатириб, божхонада 1,4 миллиард сўм тўлашга мажбур бўлган. Шунинг учун келгуси йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олишда солиқ ва божхона идораларининг электрон базалари ўзаро боғланади. Яъни, солиқ идораларида қўшилган қиймат солиғи бўйича мавжуд ортиқча тўловлар божхона тўловларини амалга ошираётганда ҳам инобатга олинади. Ушбу енгилликдан 10 мингдан зиёд тадбиркорлар фойдаланиши мумкин бўлади.

Учинчи йўналиш. Тадбиркорларни энг кўп қийнаётган муаммолардан яна бири — ер ажратиш масаласи бўйича 4 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушган.

Жорий йилда ушбу йўналишда катта ислохотларни бошладик. Бу борада Олий Мажлис палаталари томонидан маъқулланган қонунни куни кеча имзоладим. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг янги тарихида ислохотлар йўлидаги энг катта қадамлардан бири бўлди, деб ҳеч бир муболағасиз айта оламиз. Мана шу ислохотларнинг маъно-мазмунини тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари ҳам, тадбиркорлар ҳам, аҳолимиз ҳам яхши тушуниб олишлари зарур.

Биринчидан, ерларни иқтисодий оборотга киритиш, уларни олди-сотди ва гаров объектига айлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди.

Иккинчидан, биз барча ерларни икки тоифага, яъни қишлоқ ҳўжалиги ерлари ва қишлоқ ҳўжалигига кирмайдиган ерларга ажратдик.

Қишлоқ ҳўжалиги ерлари — бизнинг бебаҳо миллий бойлиғимиз, бу — озиқ-овқат хавфсизлигининг асоси, оддий қишлоқ аҳолисининг кундалик ҳаёти, дегани. Шунинг учун ушбу ерлар очик танлов асосида фақат ижарага берилади. Танлов — ҳар бир ер участкаси бўйича “бу ерни олишга ким энг кўп ҳақли” деган саволга адолатли жавоб топиш учун ўтказилади.

Бу танловда барча — деҳқон ҳам, фермер ҳам, агрофирма ва кластерлар ҳам тенг шартларда иштирок этади.

Учинчидан, қишлоқ ҳўжалигига кирмайдиган ер майдонлари эса фақат аукцион орқали сотилади.

Биз сўнгги йил ярим йил давомида ерларни аукцион орқали очик-ошкора сотиш бўйича етарли тажриба ортирдик. Лекин, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳўлларда аукционга қўйилган ер майдонлари тадбиркорга маъқул ҳўйлاردан эмас, балки олиқ, чекка ҳудудлардан, инфратузилмаси бўлмаган ҳўйлاردан берилган. Яхши ер майдонлари эса, ҳар қил йўллар билан ҳўкимлар қарори асосида тўғридан-тўғри бериб келингани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Бундан буён ер майдонлари фақат ва фақат очик-ошкора аукцион орқали хусусий мулк сифатида сотилади ёки ижарага берилади.

Қўпчилиқда “ер хусусий бўлди нима-ю, хусусий бўлмади нима”, деган фикр бўлиши табиий, албатта. Чунки, бизда ерга нисбатан хусусий мулкчилик бекор бўлгандан буён 3-4 та авлод алмашди.

Бир нарсани аниқ билиб олиш зарур: хусусийлашгани билан ер майдонлари қамайиб ёки қўлайиб қолмайди, лекин унинг бозор қиймати кампо бўлади. Ери бор одам ҳақиқий мулкдорга, капитал эгасига айланади.

Тўртинчидан, қўпчилик тадбиркорларни ўз корхонаси жойлашган ер майдонларини тақдир эртага нима бўлади, деган саволлар қийнаётгани ҳам бор гап. Ушбу корхоналарнинг ҳозир эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида эгаллаб турган ер майдонлари, уларга мулк қилиб расмийлаштириб берилади. Яъни, бу ерни бошқа одам сотиб ололмайди, уни хусусийлаштиришга фақат ер эгасининг ўзи ҳақли бўлади. Б

Айниқса, қуйи поғонадаги раҳбарлар ўз дунёқарашини ўзгартириб, оддий фуқарога елкадош бўлиб, тадбиркорга дўст бўлиб ишламаса, биз қанчалик кўп куч ва маблағ сарфламайлик, фармон ва қарорлар қабул қилиб, шароит яратмайлик, жойларда ислоҳотларимизнинг олдинга юриши қийин бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МУНОСАБАТ

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси том маънода мамлакатимиз ҳаётида катта ҳодиса бўлди. Бу суҳбат мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида чоп этилгани бежиз эмас. Унда истиқлол йилларида амалга оширилган ишлар, юзага келган муаммолар, охириги беш йилда мамлакат ҳаётида, ҳар бир соҳада юз берган катта ўзгаришлар ҳақида мулоҳаза юритилган. Энг муҳими, зиммамизда турган вазифаларни тўлақонли ижро этишда мазкур интервью дастуруламал бўлиши шубҳасиз.



Шавкат АЮПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Математика институти
директори, академик

МАМЛАКАТ ҲАЁТИДА МУҲИМ ҲОДИСА

Интервьюда Президентимизнинг ягона мақсади янги Ўзбекистонни тинч ва фаровон, кенг имкониятлар мамлакатига айлантириш экани очиқ баён этилган. “Янги Ўзбекистон” деган тушунча реал воқеликка айланиб бораётгани бир неча жонли мисоллар орқали очиқ берилган. Олтига устувор вазифа тўғрисида сўз борган. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маърифий соҳаларда қадим-бақадам амалга оширилиши керак бўлган вазифалар, фан, таълим тўғрисидаги қимматли мулоҳазалар билдирилган.

Келажак учун олиб борилаётган сиёсат ва ташаббуслар замирида халқ манфаати, фаровонлиги, иқтимоий, сиёсий ҳимояси, хотин-қизлар, ёшларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг имкониятларини кенгайтириш каби мақсадлар муҳасаммалли ўз ифодасини топган.

Шунингдек, ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. “Маълумки, ёшлар янгица фикрлашга, янги-янги ғояларни дадил ўртага ташлаб, уларни амалга оширишга, муаммоларни ижодий ва ностандарт ёндашувлар асосида ҳал этишга мойил бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда ёш авлод вакилларининг билим олиши, илм-фан, инновациялар, адабиёт, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши, уларнинг жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча шароитларни яратишга устувор аҳамият бермоқдамиз”, дейди Шавкат Мирзиёев.

Дарҳақиқат, бизга ҳамма соҳа бўйича билимли инсонлар керак. Ана шу мақсадда ташкил этилган Президент мактаблари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари бугун ўнлаб иқтидорли ёшларни кашф этмоқда. Утган вақт давомида таълим тизими катта эътибор қаратилди. Айниқса, охириги йилларда олий таълим муассасалари 141 тага етказилгани, 26 та хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари очилгани, “Янги Ўзбекистон университети” ташкил қилинганини фахр билан тилга олиш мумкин. Тўрт йил олдин юртимизда ОТМлар сонини 77 та эди. Бундан тўрт-беш йил олдин мактаб битирувчиларининг фақат 9 фоизи олий таълимга эга бўлиш имкониятига эга бўлган бўлса, ҳозир бу рақам 28 фоизга етди.

Фарзандларимиз олий таълим олиши учун имкониятларини кенгайтириш керак. Келгусида олий таълим олиш имкониятини 50 фоизга етказиш масаласи қўйилган.

Таълимга қаратилаётган эътибор келажакка киритилаётган инвестициядир. Биз янги пайтда Учинчи Ренессанс оstonасида турибмиз. Бу нима дегани? Бу уйғониш, янгиликлар, дегани. Ана шу эъришлар маҳсули ўлароқ, Учинчи Ренессанснинг амалга оширадиган иқтидорли, жаҳон андозалари даражасида билим олган, баркамол ёшларни тарбиялашимиз керак. Шу боис, давлатимиз раҳбари ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда ва бу мазкур суҳбатда ҳам атрофлича ёритилган.

Таълимдаги ўзгаришларни биз, соҳа вакиллари янада чуқур ҳис қилмоқдамиз. Яқинда мактаб болалари учун халқаро олимпиадаларда қатнашиб, олтин, кумуш ва бронза медалларга сазовор бўлган ёшларимизга, уларнинг мураббийларига мукофот ва совғалар топиширишга бағишланган тантанали маросим ташкил этилди.

Ўзим ёшлигимни эсласам, математикага меҳрим баянда бўлиб, шахар, республика, сойик иттифок олимпиадаларида қатнашганман. Аммо олимпиаданиларга эътибор ҳеч қачон ҳозиргидек бўлмаган. Бундан 5-10 йил аввал ҳам мамлакатимиз мактаб ўқувчилари халқаро математика олимпиадаларида яхши натижа кўрсата олмасди. Са-

баби, халқ таълими, олий таълим ва фан орасида узулиш юзага келган эди. Олимпиада жараёнига етук математиклар жалб қилинмасди. Президентимизнинг академиклар билан мулоқотида шу масалалар кўтарилган. Шундан кейин давлатимиз раҳбарининг математика соҳаси ривожига қаратилган бир неча қарор ва фармонлари илм-фан ва таълимда катта ўзгаришларга замин яратди.

Куни кеча халқаро фан олимпиадаси ғолибларини тақдирлаш маросимида иштирок этдим. Президентимиз қарори билан халқаро олимпиадада олтин медалга олган ўқувчи 122 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Унинг ўқитувчисига 110 миллион сўм берилди. Кумуш медалга соҳибига 73 миллион, ўқитувчисига эса 61 миллион сўм, бронза медалга соҳибига 49 миллион сўм, ўқитувчисига 36 миллион сўм тақдим этилди. Бу тарихда бўлмаган воқеа.

Яна бир мисол. Математика бўйича таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни халқаро фан олимпиадаларига тайёрлаш ва уларнинг турли хорижий танловларда иштирокини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида янги тизим яратилмоқда.

2020 йилдан бошлаб, талабаларнинг халқаро математика олимпиадаларида муносиб иштирок этиши ва иқтидорли талабаларни саралаш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети ва В.Романовский номидаги Математика институти

ҳамкорлигида “Mathematical olympiads of Uzbekistan for University Students” онлайн лойиҳаси ташкил этилди. Лойиҳага 2020 йилда математика бўйича фалсафа доктори Карим Раҳимов, 2021 йилда эса Математика институти кичик илмий ходими Беҳзод Қурбонбоев раҳбарлик қилди. Жами икки минг нафардан ортиқ талаба орасидан Ўзбекистон терма жамоасини шакллантириш натижасида университет талабалари учун дунёда энг нуфузли халқаро математика олимпиадасида вакилларимиз юқори натижага эришдилар. 2020 йилда терма жамоамиз 2 та олтин, 5 та кумуш, 3 та бронза медал ва 4 та фахрий ёрлиқни қўлга киритган бўлса, 2021 йилда 5 та олтин, 6 та кумуш, 4 та бронза медал ва 2 та фахрий ёрлиқ олди, ҳалқимиз ишончини оқлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга яратилаётган имкониятлар маҳсулини ана шу мисолда ҳам кўриш мумкин. Бу илм-фанга қаратилаётган эътиборнинг дастлабки мевасидир.

Учинчи Ренессанс бир кунда юз бермайди. Бугун ана шу юксалишга пойдевор яратилмоқда. Биз ватанпарварлик туйғуси тўғрисида кўп гапирганимиз мумкин, лекин ҳар бир юртошимиз қалбида “Мен ватан учун нима қиламан?” деган савол бўлиши керак.

Президентимиз ҳар бир соҳа ичига ўзи кириб боради. Энг муҳими, раҳбарлар олдига кабинетда ўтириб бошқариш эмас, халқнинг ичига кириб, ҳолатини ўз кўзи билан кўриш, муаммоларга ечим топиш вазифаси қўйилган. Давлатимиз раҳбарининг олимлар, олий таълим тизими вакиллари, ёшлар билан учрашувлари, самимий мулоқотлари барча раҳбарлар учун намуна бўлиши керак.

Ўйлаيمانки, республикаимизда ҳар бир соҳанинг ўсиш нуқтаси бор. Ана шу нуқтага уруғ берилса, албатта, ривожланиш бўлади. Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар масаласига, таълим тизими-га, умуман, барча соҳаларга қаратаётган эътибори замирида ана шу узокни кўра билиш бор.

Мен академик ва математика институтининг директори сифатида буни чуқур ҳис этдим. Математика фани фақат пойтахтда эмас, вилоятларда ҳам чуқур ўргатилиши шарт. Зеро, вилоятларда, чекка туманларда ҳам иқтидорли болалар бор. Президентимизнинг 2019 йил 9 июлдаги “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан бешта вилоятда институтиимиз бўлинмалари очилди. Фан ва таълим орасида узвий боғлиқлик бўлиши учун бўлинмалар вилоятлардаги университетлар ичида ташкил этилди. Мактаблардаги энг иқтидорли болаларни таллаб олиш ва тарбиялаш вазифаси институтиимиз жамоаси зиммасига юклатилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Математика институти учун талабалар шаҳарчасида янги замонавий бино барпо этилди.

“Янги Ўзбекистоннинг нафаси, суръати ва шиддатини, аввало, азиз ўғил-қизларимизнинг азму шижоати, дадил фикр ва тақлифларида, эришяётган дастлабки ютуқларида кўраман”, деди давлатимиз раҳбари суҳбат асосида. Албатта, Учинчи Ренессанс ибораси кўп тилга олинган. Айни кунларда унинг пойдевори қурилмоқда. Унга бир-икки йилда эришиб бўлмайди. Бугунги яратилган шарт-шароит эртага хоразмийлар, берунийлар, Нобель мукофотини оладиган заковатли кадрлар етишиб чиқишида муҳим омил бўлади.



Минхोजиддин ҲОЖИМАТОВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази раҳбари,
сенатор

Бугун нафақат мамлакатимиз ахли, Марказий Осиё жамоатчилиги, балки бутун дунё Ватанимиз ҳақида сўз кетганда катта ҳурмат ва эҳтиром билан янги Ўзбекистон деган иборани тилга оляпти. Бу юртимизда содир бўлаётган шиддатли ўзгаришларга, ислоҳотларга, янгиликларга, жуда катта бунёдкорлик ишларига берилган баҳодир.

Куни кеча давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон” газетасининг бош муҳаррири саволларига берган жавобларини ўқиб, нафақат юртошларимиз, балки бутун дунё жамоатчилиги республикаимизда кечаётган тарихий жараёнларнинг юрак уришини ана бир бор тинглади. Буюк халқнинг бугунги издошлари ҳам қандай улкан ниятлар, орзулар ва мақсадлар билан олдинда турган барча тўсиқлар ҳамда заҳматларини енгиб юксак ишонч билан қадам қўяётганини ана бир бор ҳис қилди, ана бир бор гувоҳи бўлди.

Шу ўринда бир эгу юнати айтиб ўтишни истардимки, Ҳазрат Навоийнинг асарларида мадҳ этилган юксак ғоялар, улуғ ниятлар ифодасини айнан янги Ўзбекистонда бошланган ислоҳотлар моҳиятида кўрялгимиз, десак муболага бўл-

мас. Чунки айни пайтда халқнинг розилиги деган тушунча умуммиллий даражадаги катта сиёсатни баҳоловчи қадриятга айланди.

Демак, у қайси соҳадаги ислоҳот, қайси соҳадаги янгиликлар, уйғониш, ўзгариш, бунёдкорлик бўлмасин, бу биринчи навбатда, юртошларимизнинг бахту саодатига, фаровонлигига, уларнинг оғирини енгил, мушкулчини осон қилишга қаратилган бўлиши керак. Шу маънода, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин, деган мезон бутун бошли тизимнинг амалий асосига айланди. Бугун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўзини ўйлатган, қизқитилган, қийнаган саволларга бевосита “Халқ қабулхоналари”дан жавоб изламоқда. Яъни баддийроқ қилиб айтганда, дардига малҳам, муаммоларига ечим топапти.

Агар дунёдаги энг буюк ўзгаришлар, катта янгиликлар, катта бир уйғонишларни бошидан кечирган давлатларнинг босиб ўтган йўлига қарасак, буюк шахсларнинг ислохотлари моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, уйғониш, янгиликка интилиш ва юксалиш асосий мезон бўлганига ғувоҳ бўламиз. Давлатимиз раҳбари ҳар бир маърузасида халқимиз катта бир уйғониш палласини бошидан кечираётганини, бундай жараёнда ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз, янгиликлар сари қадам ташлашдан асло қўчмаслигимиз зарурлигини таъкидлайди. Шу маънода, жаҳид боболаримиз шижоати ва ташаббусларидан ўрнак олишимиз, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс сабабчилари бўлган буюк ақдоқларимизга издош бўлишимиз муҳимлиги ҳақида сўзлаган эди. Ушбу суҳбатда ҳам Президентимиз қомил ишонч билан, “Инсоният тарихи шундан далолат берадики, ҳар қайси халқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари миллий ўзлигини англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётини янги босқичга кўтарди. Бундай ижтимоий ноёб ҳодиса “Ренессанс” — уйғониш, қайта тикланиш, юксалиш деб аталishi барчамизга аён. Маълумки, бугунги Ўзбекистон заминини қадимда икки буюк уйғониш даврига — Биринчи (маърифий — IX-XII асрлар) ва Иккинчи (Темурийлар — XIV-XV асрлар) Ренессансга бешик бўлган. Бу — жаҳон илм-фанида ўз исботини топган ва тан олинган тарихий ҳақиқатдир. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ана бир муҳим уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоханг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда”, дейди.

Ҳа, Ўзбекистонимиз уйғониш палласига кирди. Бугунги саъй-ҳаракатлар ва қалбимизда тошган улуғ ниятлар меvasи мамлакатимизни катта бир тараққиёт сари бошлаётганини барчамиз энди-энди ҳис қила бошладик. Президентимиз эса, бу жараёни аллақачон

олдиндан сезди ва ортидан бутун бир мамлакатни эргаштира олди.

Дунёда давлатлар кўп ва ҳар бир давлат раҳбари ҳам менинг мамлакатимда ҳеч ким камбағал бўлмасин, ҳеч ким зорикмасин дея ният қилган бўлиши мумкин. Бироқ бу ниятни амалга ошириш жудаям қийин. Лекин Ўзбекистон Президенти мана шундай бир улуғ ният билан иш бошлар экан, бу жараёндаги ўзига хос тизимни йўлга қўйди. Яъни “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтери”, “Аёллар дафтери” деган дафтарларда барча муҳтож қатламлар рўйхатга олиниб, уларнинг барчаси ойма-ой, кунма-кун қўллаб-қувватлашлар натижасида бу дафтарлардаги рўйхатлардан чиқиб, ҳаётда ўз ўрнини топаётганини эшитганимда, кўрганимда жуда қувониб кетаман. Агар бу дафтарларнинг барчасини умумлаштириб битта дафтар тuzилса, бу дафтарни мен “**Меҳр**” дафтари деб атаган бўлардим. Зеро, Президентимиз ўз халқининг энг кичик муаммоси ҳам давлат раҳбари учун аҳамиятли эканини таъкидлагани замирида юксак инсонийлик, меҳр ва ғамхўрлик муҳассам.

Шу ўринда яна бир мулоҳазамни айтиб ўтмоқчиман. Янгиликлар жараёнларида Марказий Осиёда аҳил қўшничилик муносабатларининг ўрнатилмаётгани ҳам қандай инсонни тўқчилантиради. Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва ташаббуслари туйфайли Ўзбекистон Марказий Осиёнинг меҳр-муҳаббат, одамлилик, эзгулик нурларига чулганган юрғига айланиб бормоқда. Шунингдек, илм-фан, маънавият ва маърифат сари шайланган улкан бир кемага менгазим келади. Она юртимизни! Шу маънода, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш билан боғлиқ жараёнлар, таълим-тарбия масканларидаги барча тизимнинг янгиликларини эса, бевосита ёшларимиз эришяётган ютуқларда ва марраларда намойён бўлмоқда.

“Азиз ва ардоқли халқимизнинг розилигига эришиш биз учун буюк саодатдир”, дейди давлатимиз раҳбари суҳбат якунида. Аслида мана шу улуғ мақсад, эзгу ният ва юксак қараш Президентимизнинг нафақат бутун бир сиёсати, балки қалб кўрининг ҳам моҳиятини очиб беради. Юртимиз ва миллатимиз тақдири билан боғлиқ бундай жасоратли қадамларга, ёруғ бир йўлнинг тадоригига бепарво қараб бўлмадимиз? Оддий ва самимий муносабатни қадрлайдиган, ҳар жабҳадаги ёлғонга нафрат кўзи билан қарайдиган, энг қийин дамларда, “мана мен, ёнингиздан”, дея елка тутадиган давлат раҳбари билан бир сафда бўлиш, жаҳон майдонига кучли сапоҳчи, муносиб обору-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакат қуриш шарафли вазифадир. Ўзгаришлар ва янгиликлардан эса, энг аввало, қалб кўримиждан, ўзаро ишончимиздан куч олади. Бу йўлда барчамиз бор билим ва тажрибамизни, куч-ғайратимизни сафарбар этишга доимо тайёриймиз!

ЯНГИЛАНАЁТГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАМАДДУНИНИНГ ЯНГИ ЙЎЛИ ПАЙДО БЎЛМОҚДА

Шухрат ҒОЙИБНАЗАРОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори
маслаҳатчиси, сиёсий фанлар доктори

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган катта интервьюсини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Давлатимиз раҳбари янги Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичларини, олдимизга қўйилган мақсад ва вазифаларни аниқ тушунтириб берган.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз интервьюда янги Ўзбекистонни барпо этишда ташки сиёсатга, олис ва яқин давлатлар билан дўстона ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганига ҳам тўхталган. Ўз навбатида, Ўзбекистон етакчисининг нуктадон сиёсатчи сифатидаги фикрлари диллимизда юрган айрим мулоҳазаларни қозғошга кўчириш учун туртки бўлди.

Гап Ўзбекистоннинг қўшни ва бошқа минтақа давлатларига нисбатан юритаётган ташки сиёсати мазмун-моҳияти ҳақида борар экан, аввало, таҳлилчиларнинг бугунги кунда давлатлар қудрати, дунёвий таъсир доираси, халқаро нуфузи XX аср бошидаги сингари ҳудуди катта-кичиклиги, демографик кўрсаткичлари, табиий бойликлари ва ҳарбий қучқудрати билан эмас, балки кўпроқ фуқароларда геоиқтисодий, геосиёсий онг шаклланиши, инновациялар ривожлангани, умумбашарий истиқболли ташаббусларга эғалиги каби мезонлар билан ўлчанади, деган мулоҳазаларини эътиборга оламиз.

Бундан қарийб 5 йил муқаддам Ўзбекистон Президенти этиб сайланган Шавкат Мирзиёев ташки сиёсатни фоллаштириш, унинг миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очик, прагматик ва чуқур ўйланган устувор йўналишларини белгилаб берди. Айниқса, Марказий Осиё минтақасидаги қўшни мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш белгилангани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев юқоридаги интервьюсида алоҳида тўхталиб, Ўзбекистон ўтган даврда ана шу стратегик йўлга доимо содиқ қолиб, ўз шериклари ҳамда халқаро ташкилотлар олдидagi мажбуриятларини тўлиқ бажариб келаяётганини таъкидлади.

Шунингдек, ўтган тарихдан қисқа даврда юртимизнинг Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошгани, дунёда янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайгани, пировардида жаҳон сиёсатшунослигида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлганини ҳам алоҳида эътироф этди.

Бизнингча, ушбу ибора шаклланишида кейинги йилларда Ўзбекистон танлаган йўлда эришилган қатор мақсадлар муҳим аҳамият касб этди.

Биринчидан, БМТ БМТ Ассамблеяси томонидан “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш”, “Барқарор туризм ва барқарор ривожланиш”, “Маърифат ва диний бағрикенглик”, “Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш” бўйича махсус резолюциялар қабул қилингани.

Иккинчидан, Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувлари самарасида минтақада давлат чегаралари, транспорт логистикаси, сув, энергетика тизими, фуқароларнинг ўзаро борди-келдиси каби кўп йиллар

давомида йиғилиб қолган муаммолар бўйича ўзаро келишувга эришилгани.

Учинчидан, Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларидаги интеграция ва ҳамкорлик жараёнларини фаоллаштиришда тобора муҳим аҳамиятли давлатга айланган.

Фикримизни жорий йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида “Марказий Осиё ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусида юқори савияда ўтказилган халқаро конференция тафсилотлари ҳам тасдиқлайди.

Бу анжуманда Ўзбекистон етакчиси илгари сурган янги тақлиф ва ташаббуслар нафақат минтақалар давлатларида, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Зеро, бундай ташаббуслар билан амалга ошадиган янги интеграцион жараёнлар минтақалар оша жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлади.

Энди рақамларга юзланамиз. 2016-2020 йилларда Ўзбекистоннинг фақат Марказий Осиё мақсадлари билан товар айланмаси икки баробар — 2,4 миллиард доллардан 5 миллиард долларга ошди. Рўйхатдан ўтган қўшма корхоналар 2016 йилдаги 312 тадан 5 баробар кўпайиб, 1600 тага етди. Инвестициявий ҳамкорлик фоллашди, қўшма компаниялар ташкил этилди. Бу каби мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда барча давлатлар минтақа барқарорлиги ва раванчаини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Уларнинг минтақавий ва глобал муаммоларга умумий позициядан туриб фикр билдираётгани бунинг исботидир. Президентимиз 2019 йили Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашувида таъкидлаганидек, “Бизнинг минтақадаги ўзаро яқинлашувимиз ва ҳамкорликни кенгайтиришимиз — бу замон талаб қилаётган ва орқага қайтмайдиغان жараён эканини таъкидламоқчиман. У қатъий сиёсий танловга асосланган бўлиб, чуқур тарихий омилларга эга ва қийингидир манфаатларига қарши қаратилган эмас”.

Дарҳақиқат, шундай — танланган бу йўл ва қатъий сиёсий ирода бугунги янгилаётган Марказий Осиёнинг дунёдаги тарихий нуфузини тикламоқда. Шу маънода, “Марказий Осиё руҳи” шаклланиб, давлатлар, минтақалар тамаддунининг янги йўли пайдо бўлмоқда.

АКС-САДО

Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сафида бўлишга даъват

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига жавобларини ўқиб



Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Спикерининг биринчи
ўринбосари,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори

Тарихий интервью

“Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”.

Ушбу фикрлар интервьюда таъкидланган. Мазкур интервью халқимиз, хорижий ва халқаро жамоатчилик томонидан қизиган ўрганилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки авваламбор, бу — давлатимиз раҳбари кейинги беш йилда миллий оммавий ахборот воситасига берган илк интервьюдир.

Шу маънода, ушбу янги воқелик: биринчидан, Ўзбекистон Президентининг мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларига ишоничи;

иккинчидан, сўз ва ахборот эркинлигини қатъий қўллаб-қувватлаши;

учинчидан, журналистлар ва блогерларни ҳар доим ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантиришга тайёрлигининг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Президентимизнинг интервьюси Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган даврда амалга оширилган кенг қамровли ишларнинг ўзига хос сарҳисобидир. Ҳа, айнан — сарҳисоб, ҳисобот эмас. Чунки журналистнинг саволларига жавобларда қачон қандай ҳужжат қабул қилинди-ю, унинг ижроси қай тарзда таъминланди деган мазмундаги расмийлик учун айтиладиган қуруқ гаплар учрамайди. Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда қўлга киритилган натижаларни санаб билан қиёсланган қўлмади ва мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларида ҳал этилиши керак бўлган муаммолар мавжудлигига кўз юмиш йўлидан ҳам бормади. Аксинча, ҳаммаси жойида, деган кайфият билан бундай муаммоларни билиб — билмаганга, кўриб — кўрмаганга олиб, ғафлат уйқусига ботиб юраверишни ўзимизга, халқимизга, келажакка нисбатан хиёнат эканини очик ва ошкора айтди.

Интервьюнинг хусусияти: халқчиллик ва ҳолислик

“Менинг табиатим бундай сохта ҳаётни мутлақо қабул қилолмайди. Халқимиз менга ишонч билдирди, ана шу юксак ишонч оқлаш, эл-юртимизга муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш — мен учун ҳаётимнинг маъно-мазмунидир. Мен миллионлаб инсонларнинг тақдирини учун масъулиятни зиммага олган эканман, ислохотлар борасида бошқача йўл тутишни, ҳаммасини аввалгидек қолдиришдан асло мумкин эмас”, деди Ўзбекистон Президенти.

Юртбошимиз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган фикрлари, орзу-умидларидан иборат ўз прагматик қарашларини изчиллик билан очиб берди. Президентимизнинг фикрича, “Янги Ўзбекистон — демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида

ривожланидиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир”. Бу — Янги Ўзбекистон ҳақидаги лўнда ва халқона таърифдир. Чиндан ҳам, инсон ҳуқуқлари соҳасида кейинги беш йилда муҳим янгиланишларга эришилди.

Ўзбекистон илк бор 2021-2023 йилларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланди ва 2021 йил 1 январдан бу борадаги вазифасини бажаришга киришди. Эндикда Ўзбекистон Республикаси Президентининг нуфузли халқаро ташкилотнинг олий минбаридан туриб ўзбек тилида илгари сурган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланган миллий, минтақавий ва халқаро ташаббуслари изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда.

Эътибор беринг: мустақилликнинг ўтган чорак асри давомида Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари учун масъул бирон-бир тузилмасига аъзо бўлиб кириши ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Аксинча, ушбу ташкилотлар Ўзбекистонни инсон ҳуқуқлари борасида ҳар доим танқид қилиш билан банд эди.

Бинобарин, бундан ўттиз йил олдин мустақиллик шу озод юртда яшайдиган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг тўла таъминланиши кафолати бўлиб майдонга чиқди.

Мустақил Ўзбекистон — конституциявий давлат

Ўзбекистонда замонавий давлатчилик асослари яратилиб, конституциявий тузумга асос солинди. Давлат ҳокимиятининг учта мустақил

““

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ
ИНТЕРВЬЮСИ ҲАРАКАТЛАР
СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА ЎТГАН
ДАВРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН
КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАРИНИНГ
ЎЗИГА ХОС САРҲИСОБИДИР. ҲА,
АЙНАН — САРҲИСОБ, ҲИСОБОТ
ЭМАС. ЧУНКИ ЖУРНАЛИСТНИНГ
САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРДА
ҚАЧОН ҚАНДАЙ ҲУҲЖАТ ҚАБУЛ
ҚИЛИНДИ-Ю, УНИНГ ИЖРОСИ ҚАЙ
ТАРЗДА ТАЪМИНЛАНДИ ДЕГАН
МАЗМУНДАГИ РАСМИЯТЧИЛИК
УЧУН АЙТИЛАДИГАН ҚУРУҚ
ГАПЛАР УЧРАМАЙДИ. ДАВЛАТИМИЗ
РАҲБАРИ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ҚЎЛГА
КИРИТИЛГАН НАТИЖАЛАРНИ САНАШ
БИЛАН КИФОЯЛАНИБ ҚЎЛМАДИ
ВА МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЁТИНИНГ
ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА ҲАЛ ЭТИЛИШИ
КЕРАК БЎЛГАН МУАММОЛАР
МАВЖУДЛИГИГА КЎЗ ЮМИШ
ЙЎЛИДАН ҲАМ БОРМАДИ. АКСИНЧА,
ҲАММАСИ ЖОЙИДА, ДЕГАН КАЙФИЯТ
БИЛАН БУНДАЙ МУАММОЛАРНИ
БИЛИБ — БИЛМАГАНГА, КЎРИБ
— КЎРМАГАНГА ОЛИБ, ҒАФЛАТ
УЙҚУСИГА БОТИБ ЮРАВЕРИШНИ
ЎЗИМИЗГА, ХАЛҚИМИЗГА,
КЕЛАЖАККА НИСБАТАН ХИЁНАТ
ЭКАНИНИ ОЧИҚ ВА ОШКОРА АЙТДИ.

тармоғи — қонун қарорувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти билан бирор тараф. Президентимиз таъбири билан айтганда, истиқлол йилларида Ўзбекистонда том маънодаги конституциявий давлат барпо этилди. Конституциявий давлат деганда:

биринчидан, Конституцияда белгиланган давлат ҳокимияти идоралари тузилгани ва фаолияти йўлга қўйилгани;

иккинчидан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётгани;

учинчидан, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти изчил кенгайиб бораётганини тушуниш лозим.

Бундан ташқари, Президентимиз таъкидлаганидек, “Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва давлат мустақиллигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти ҳамда миллий манфаатларимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар ташкил этилди. Миллий валютамиз — сўм жорий этилди ва олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди”.

Шу ўринда мустақиллик ва давлат рамз-



лари ҳақида мухтасар тўхталишга тўғри келади. Нега деганда, аксарият юртдошларимиз “давлат рамзлари” деганда, фақат Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳиясини тушунадилар. Шунинг учун бу муҳим тимсоллар қаторига — давлатнинг номи, пойтахти, миллий валютаси, мукофот ва унвонлари, Конституцияси ва Президенти ҳам киришини қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

“Марказий Осиё руҳи”

Очилиш ва очиклик ҳақида икки оғиз сўз. Бу тушунчалар кейинги беш йилда Ўзбекистон давлати ва жамияти ривожланишининг туб моҳиятига сингиб бормоқда. Аввало, Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё минтақаси мамлакатларига Ўзбекистонни, қўшни ва қардошларимизга халқимизнинг меҳрли бағрини очди. Натижада азал-азалдан ўзаро қардош ва биродар бўлган мамлакатларимиз кўпгина минтақавий ва глобал масалалар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўйича яқин ҳамкорликда ҳаракат қилишни бошлади. Президентимиз қайд этганидек, “Жаҳон сиёсатшунослигида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлди”.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон сўнгги йилларда халқаро ҳамжамиятга ўз эшикларини кенг очиб қўйди. Ўтган тарихан қисқа даврда юртимизнинг жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда Янги Ўзбекистонга нисбатан қизиқиш, интилиш ва ишонч руҳи, мамлакатимиз билан ҳамкорликка эришиш тамойиллари кучайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Президентига халқаро ҳамжамиятнинг ишончи жуда юқори ва бу ишонч тобора ортиб ҳамда мустақамланиб бормоқда. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясида, коронавирус шароитига қарамай, 40 дан ортиқ давлатдан 150 дан зиёд вакил иштирок этгани ҳамда ўндан ортиқ нуфузли ташкилотнинг раҳбарлари он-лайн тарзда фаол қатнашгани бу фикримизнинг ёрқин исботидир.

Интервьюда қайд этилганидек, “ички ва ташқи сиёсатимиздаги ана шундай уйғунлик халқимиз манфаатларини кўзлаб амалга оширилмоқда ва бунинг натижасини оддий одамлар ўз ҳаёти ва тақдирда ҳис этмоқда. Яна бир муҳим томони шундаки, Ўзбекистон бугун ўзининг узоқни кўзлаган сиёсати билан минтақамиз ва жаҳондаги сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси-га айланди”.

Давлат — халқ хизматида

Очиклик ҳақида сўз борар экан, энг асосийси, мамлакат ичкарисидаги очикликнинг аҳамияти беқиёс эканини таъкидлаш лозим. Бунда, биринчи навбатда, Президентимиз давлат идораларини халқимизга очиб бергани ҳақида сўз бормоқда. Сўнгги йилларда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган муҳим конституциявий тамойилни ҳаётимизга изчил, тизимли ва қатъий билан жорий этишга устувор аҳамият берилмоқда.

Содда қилиб айтганда, бугунги кунда давлат идоралари халқнинг хизматкорига айланмоқда. Президентимиз ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ олиб бораётган ушбу сиёсатнинг замирида қуйидаги омиллар ётибди.

Биринчи омил: Юртбошимиз мамлакат олий бошқарувида иш бошлашига қадар ижро этувчи ҳокимиятнинг қуйи тизими — туман, вилоят ҳокимлигидан токи юқори тизими — Бош вазир ла-

возиммда ҳам кўп йиллар ишлаган. Интервьюда қайд этилганидек, “Бир пайтлар мен ҳам ҳоқим бўлиб ишлаганман. У вақтлардаги шароитни ҳозирги имкониятлар билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Кўп-кўп масалаларда қўл-оғимиз боғланган эди, ҳамма нарсани “тепа”нинг қош-қовоғига қараб бажаришга тўғри келарди”.

Иккинчи омил: Шавкат Мирзиёев истиқлол арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий парламент депутатлигига сайланиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг масъул лавозимларида хизмат қилган. Шу аснода Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, Конституциямизнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши, умуман, Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик тарихидаги бурлиш нүкталарига дахлдор энг асосий жараёнларда бевосита иштирок этган ҳамда ўзининг айнан яратувчанлик фаолиятини яққол намоён этган.

Учинчи омил: Юртбошимиз мамлакат ҳаётини, халқ дардини, одамларимизнинг ташвишлари ва эҳтиёжларини ич-ичидан жуда яхши билади. Халқнинг ичига кириб ва ишончини қозониб, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшашни ўзининг ҳаётдаги бош маслағи деб ҳисоблайди. Зеро, халққа хизмат қилиш — Президент Шавкат Мирзиёев ҳаётининг бутун маъно-мазмунидир.

Миллий тараққиётнинг устувор вазибалари

Бу билим ва тажриба жамиятнинг барча қатлами вакиллари — олимлар ва ижодкорлар, ёшлар ва хотин-қизлар, дин хизматчилари ва шифокорлар, судьялар ва прокурорлар билан юзма-юз учрашувлар негизида кейинги даврда янада мукамаллашди. Шу жиҳатдан, интервьюда қайд этилганидек, миллий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида мамлакат миқёсидаги олтига энг устувор вазифа:

- ижтимоий сиёсат;
- иқтисодий тараққиёт;
- ҳозирги глобал пандемия даврида тадбиркорларни ўз муаммолари гирдобига ташлаб қўймаслик;
- аграр секторни замон талаблари асосида ривожлантириш;
- халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш;
- янги шароитда маънавий-маърифий ишларни кучайтириш соҳалари бўйича гоёат ҳаётий ва амалий ечимлар кун тартибига қўйилгани диққатга созвор.

Юртбошимиз катта-кичик раҳбарларнинг билими ва тажрибаси, ташкилотчилик салоҳияти, эл-юрт иши учун фидойилигини юксак қадрлайди. “Айниқса, қуйи поғонадаги раҳбарлар ўз дунёқарашини ўзгартириб, оддий фуқарога елкадош бўлиб, тадбиркорга дўст бўлиб ишламаса, биз қанчалик кўп куч ва маблағ сарфламайлик, фармон ва қарорлар қабул қилиб, шароит яратмайлик, жойларда ислохотларимизнинг олдинга юриши қийин бўлади”, дейди Президентимиз.

Шундай экан, турли бўғиндаги раҳбар ўринбосарлари ўз бошлигининг соясида юрадиган вақт ўтди. Энди шахсий масъулият ва жавобгарлик бора-бора раҳбарларни ҳодимлари учун бош мезон бўлади.

Ҳозирги кунда одамларни қийнаётган муаммоларни жойларда, маҳалланинг ўзида ҳал этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “ҳар бир ҳокимнинг кабинети “Халқ қабулхонаси”га айланиши лозим”. Шунда ҳар қайси раҳбар ҳудуддаги ҳақиқий аҳволдан тўла хабардор бўлади, шунда унум ва самарага эришади.

“ОЧИҚЛИК ҲАҚИДА СЎЗ БОРАР ЭКАН, ЭНГ АСОСИЙСИ, МАМЛАКАТ ИЧКАРИСИДАГИ ОЧИҚЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС ЭКАНИНИ ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМ. БУНДА, БИРИНЧИ НАВБАТДА, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИНИ ХАЛҚИМИЗГА ОЧИБ БЕРГАНИ ҲАҚИДА СЎЗ БОРМОҚДА. СЎНГИ ЙИЛЛАРДА “ХАЛҚ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИГА ЭМАС, ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК” ДЕГАН МУҲИМ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАМОЙИЛНИ ҲАЁТИМИЗГА ИЗЧИЛ, ТИЗИМЛИ ВА ҚАТЪИЯТ БИЛАН ЖОРИЙ ЭТИШГА УСТУВОР АҲАМИЯТ БЕРИЛМОҚДА.

Янги Ўзбекистон — янги дунёқараш

Интервьюда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг етакчи омиллари содда ва тушунарли тилда изоҳлаб берилди. Президентимизнинг ўқтиришича, бу муҳим жараёнда тарихий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, ташқи сиёсий ва амалий омиллар объектив заруратдир.

Бу масъулиятли жараёнда, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари”, “қонун устуворлиги”, “очиклик ва ошкоралик”, “сўз эркинлиги”, “дин ва эътиқод эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”, “ғендер тенглик”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий кўникмалар ҳозирги вақтда реал воқеликка айланиб бораётгани эътиборлидир”.

Бугунги кунда биз эришган энг муҳим натижа — демократик ислохотларимиз ортага қайтмайдиган тус олгани, дейди Ўзбекистон Президенти. “Бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Ёдингизда бўлса керак: 2015-2016 йилларда халқимизнинг маънавий даргалари бўлиши бир неча атоқли олим адибларимиздан изма-из айрилиб қолди. Уша даврда Президент Шавкат Мирзиёев: “Бугун бизга Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовлар етишмаяпти”, деб бот-бот тақорларди.

Бу афсус ва армонлар беиз кетмади, аксинча, эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амалга айланди. Севимли шоирларимизнинг ижод мактабларига асос солинди, юбилей саналари кенг нишонланди, китобларини мунтазам нашр этиш ва изчил ўрганиш йўлга қўйилди. Ҳаттоки ардоқли шоиру адибларимизнинг оила аъзоларига ҳам юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилди: уларнинг жафокаш умр йўлдошлари давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Интервьюда Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов шеърй мисралари ҳам келтирилгани тимсолида Президентимизнинг меҳр-оқибати ўткинчи ва сохта эмас, аксинча, самимий ва барқарор эканига яна бир бор амин бўлдик. Айни чоғда, давлатимиз раҳбари Имом Бухорий, Амр Темур, Алишер Навоий каби улуг аждодларимиз, жадид-маърифатпарвар боболаримизнинг маънавий меросига ҳам муурожаат қилганлари бежиз эмас. Бу — маънавий уйғониш ва юксалишга даъват. Зеро, “Бугун одамлар уйғонмоқда, жамият уйғонмоқда. Маънавий уйғоқ жамият — бу, ҳеч шубҳасиз, қудратли кучдир”.

Ўтмишда мутафаккир аждодларимиз адолатли раҳбар, оқил ва одил юрт эгаси деган эзгу гоёани илгари сурганлар. Жумладан, Алишер Навоий ҳазратлари бу ҳақда: “Шоҳки, иш адл ила бунёд этар, Адли бузуқ мулкни обод этар” каби мисраларни битиб қолдирган.

Кейинги йилларда уша орзу-ниятларнинг яққол рўёбини кўрмоқдамиз. Бинобарин, “Бугун одамларда адолатга, ҳақиқатга ишонч пайдо бўлмоқда. Улар турли даражадаги раҳбар ва мансабдорларнинг иш фаолиятига ҳолисона баҳо бермоқда, камчиликларни ошкора танқид қилмоқда. Миллий тараққиётимиз учун бу жуда муҳим аҳамиятга эга”.

Янги Ўзбекистонга — янги дунёқараш хосдир. Одатда, назариядан амалиётга ўтилади, гоғлар эътиқодга айланади. Шу нукта назардан, бугунги кунда Янги Ўзбекистон гоёси ва фалсафаси ҳаётимиз воқелигига, қундалик турмушимизнинг амалиёти ва кўникмаларига айланиб бораётгани жуда ҳам муҳим.

Шу билан бира, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугунги Ўзбекистон — бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилётган, интилаётган Янги Ўзбекистон эмас. Ҳали бу маррага етиш учун олдимизда жуда олис ва машаққатли йўл турибди. Йўлимиз шу пайтгача осон бўлгани йўқ, бундан кейин ҳам осон бўлмайди. Лекин биз диддил олдинга боришдан, керак бўлса, қутилмаган, аммо пировард натижаси самарали ва халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ноъбанавий қарорлар қабул қилишдан чўчимаслигимиз зарур”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференция шаклида ўтказилган мажлисда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, округ сайлов комиссиялари раҳбарлари ва аъзолари, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари, журналистлар иштирок этди.



САЙЛОВ УЧАСТКАСИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ИНТЕРФАОЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА

Мажлис кун тартибидан сайлов участкасини аниқлаш ва ўзгартириш бўйича интерфаол хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, оммавий ахборот воситалари

вакиллари аккредитациядан ўтказиш ва Тошкент вилоятида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш масалалари ўрин олди.

Тадбирда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари амалга оширилишига қулай шароит яратиш ҳамда сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида сайлов участкасини аниқлаш ва ўзгартириш бўйича интерфаол хизмат кўрсатиш тартиби йўлга қўйилмоқда. Мазкур интерфаол хизматдан доимий ёки вақтинча яшаш жойи манзилига эга бўлган, сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини ўн саккиз ёшга тулган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фойдаланишлари мумкин.

Мажлисда оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги Марказий сайлов комиссияси қарорига мувофиқ, 100 нафарга маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари рўйхатдан

ўтказилди. Қайд этиш жоизки, шу кунга қадар аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ОАВ вакиллари сони 750 нафардан ошди.

Кун тартибидан яна бир масала — Сайлов кодексининг 14, 78 ва 87-моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Тошкент вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси 2021 йил 24 август кунини Тошкент давлат аграр университети биносида қақарилиши юзасидан қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда Марказий сайлов комиссияси фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Марказий сайлов
комиссияси матбуот
хизмати**

БУГУННИНГ ГАПИ

БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

Сўнгги йилларда чет эллик тадбиркорларнинг Ўзбекистонда бизнес юритиб, корхоналар ташкил этишга қизиқиши, интилиши ортиб бормоқда. Бу мамлакатда ҳақиқий маънода ишбилармонлик муҳити вужудга келгани, хорижий инвесторларга кенг имкониятлар яратилаётгани билан боғлиқ, десак муболага бўлмайди.



**Сую ДЕМИНГ,
Бешариқ туманидаги
“FARG’ONA YASIN QURILISH
MOLLARI” Ўзбекистон-
Хитой қўшма корхонаси
раҳбари**

Тадбиркор учун талаб ва таклиф муҳим. Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотга харидор бўлмаса, иқтисодий ривожланишга эриша олмаймиз. Ўзбекистонда бу борада ҳам биз учун яхши шароит бор, деб айта оламиз. Бойси, мамлакатда охириги йилларда қурилиш қўлами кенгайиб, қурилиш материалларига бўлган талаб ҳар қачонгидан ортиб бормоқда. Қурилиш ишларида эса, цемент асосий материал ҳисобланади.

Қўшма корхонамизга “Great Amiran oil” масъулияти чекланган жамияти ва Хитойнинг “Shanxi Xiangsheng” компанияси томонидан асос солинган. Цемент ишлаб чиқариш лойиҳасини тақдим этганимизда, бизни мутасаддилар қўллаб-қувватлади, яқиндан ёрдам берди. Лойиҳанинг биринчи босқичида 113 миллион доллар инвестиция ўрнатирилиб, 300 нафар ёш иш билан таъминланди. Замонавий технологиялар жорий этилгани бу ерда бир кунда 2 минг 500 тонна сифатли цемент ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Ушбу инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун айнан мазкур ҳудуд танлангани бежиз эмас. Бу ерда улкан хомашё захирасига эга цемент, оҳақтош ва тупроқ конлари мавжуд. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 200 миллион долларни ташкил этиб, корхонада йилига 2 миллион тонна сифатли цемент ишлаб чиқарилади. Умуман олганда, унинг иккинчи босқичи ишга тушган, яратилган иш ўрни мингдан ошади.

Бугун фаолиятимиз орқали мамлакат иқтисодий ривожланиши, аҳолини иш билан таъминлашга ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз. Ўзбекистон Президентининг бизга йўллаган миннатдорлик хати беҳад қувонтирди. Бир гуруҳ маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар орасида бизга ҳам эътибор қаратилгани руҳлантириб юборди. Бунга жавобан янги лойиҳаларни ишга тушириб, билдирилган ишончни оқлаймиз.

ТАДБИРКОРНИНГ ИШИГА ҚУТ-БАРАКА КИРМОҚДА



**Мўминжон СИДДИҚОВ,
Жиззах вилоятидаги
“Жиззаххентекс”
агрокластери раҳбари**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида тадбиркорлари билан очик мулоқотида айтган: “Ҳеч шубҳасиз, кейинги йилларда сизлар иқтисодиётимиз ва ислохотларимиз таянчига ҳамда локомотивига айландирингиз.

Сиз каби ишнинг кўзини биладиган, ишбилармон юртдошларимиз тимсолида биз чин маънодаги Янги Ўзбекистон бунёдкорларини кўраимиз”, деган сўзлари қалбимни фахр-ифтихорга тўлдирди.

2013 йилнинг декабрь ойида ташкил топган корхонамиз дастлаб фақат ип-калага ишлаб чиқарарди. Туркия ва Швейцария технологияси билан жиҳозланган цехларимиз қуввати йилига атиги 7,5 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлашга етарди, 200 кишини иш билан таъминлаган эди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар туфайли тўлақонли агрокластерга айланишга улгурдик. Бугун чигит экишдан тортиб то ундан олинган пахта ҳосилини тайёр маҳсулот сифатида ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнинг ҳаммаси ўзимизда бажарилади. 2 та йирик корхонамизда 1,5 мингдан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланган.

Зафаробод туманида етиштирилаётган пахтанинг 100 фоизини қайта ишлашни зиммамизга олганмиз. Шу йил бошида пахта заводимиз қошида фаолият бошлаган ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаси йилига 20 минг тонна чигитни қайта ишлайди. Бу ерда 100 нафардан кўпроқ ёш иш билан банд.

Яқин келажақда 100 гектар майдонда помидор, бодиринг, саримсоқли-ёз, бўлғор қалампир ва бошқа экинларни очик майдон ҳамда иссиқхона шароитида етиштириш, уларни табиий ва консервланган ҳолда бозорга чиқариш лойиҳаси ишга тушади. Шунингдек, йирик чорвачилик мажмуасини барпо этишни кўзлаб турибмиз. Иншооти 12 гектар, озуқа экиладиган майдон 810 гектарни ташкил этадиган ушбу мажмуада 2,5 минг бошга яқин зотдор йирик шоҳли мол парвариш қилиш имконияти яратилади, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш линиялари ишга туширилади.

Ушбу факт ва рақамларни келтиришдан мақсад шуки, юртимизда тадбиркорлар синфи оёққа туришига алоҳида эътибор қаратилляпти. Айниқса, бу борада сўнгги тўрт-беш йил ичида қилинган ишлар, ишбилармонларнинг янада фаол бўлиши учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар фаолиятимизга унум, қут-барака киритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қуни кеча тадбиркорлар билан бўлиб ўтган мулоқотида: “Биз доимо изланиб, янгиликка интилиб яшайдиган тадбиркорларимизни ўз ишига фидойи ва жонқуяр, ватанпарвар инсонлар деб биламиз ва уларни қадрлаймиз”, дея таъкидлагани эса бундай эътибор ва ғамхўрликнинг бардавом бўлишини тасдиқлаб турибди.

МАТОНАТЛИ ПАРАЛИМПИАЧИЛАРИМИЗ ТОКИОГА ЖўНАБ КЕТДИ

Бугун Ўзбекистон паралимпия спорт делегацияси жорий йилнинг 24 август — 5 сентябрь кунлари Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган XVI ёзги Паралимпия ўйинларида иштирок этиш учун кунчиқар юртга йўл олди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий паралимпия кўмитасида матонат ва ирода тимсоли бўлган спортчиларимизни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари, спорт фахрийлари XVI ёзги Паралимпия ўйинларининг мамлакатимиз спорт ҳаётидаги аҳамияти, кучли ирода ва шижоат тимсоли бўлган параатлетларимизнинг мазкур нуфузли мусобақа йўлланмаларини қўлга киритиш йўлидаги жонфидолиги миллионлаб ёшларимизга ибрат мактаби эканлигини таъкидлашди.

Мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган инсонларга спорт билан шугулланиш учун зарур шарт-шароит яратиш, уларнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирокини таъминлаш ва

давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг тизимли олиб борилаётганлиги натижасида параспортчиларимиз нафақат спорт мусобақаларида, балки оддий ҳаёт зайларида ҳам соғлом турмуш тарзи тамойилларининг катта тарғиботчилари бўлиб майдонга чиқди. Қолаверса, улар халқаро мусобақаларда, олимпия ва кўта ўйинларида Ватанимизнинг спорт салоҳиятини юксалтириб келмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг порлоқ келажагига дахлдорлик туйғуси билан яшаётган, спорт майдонларида юрт байроғини сарбаланд этиш орзу-истакларини қалбига жо этган 48 нафар параспортчимиз эпидемиологик мураккаб вазиятга қарамастан XVI паралимпия ўйинларининг 55 та йўлланмасини қўлга киритганлиги Ўзбекистон спорт тарихида эътиборли воқеалик бўлди. Паралимпиячиларимиз Токио



спорт майдонларида 8 та спорт турида ғолиблик учун кураш олиб боришади.

— Бу йил карантин чекловлари бўлишига қарамастан давлатимиз томонидан биз, спортчиларга машғулотларда қатнашиш, паралимпия саралаш мусобақаларида иштирок этиб, йўлланмаларини қўлга киритишимиз борасида барча шарт-шароит яратиб берилди. Ўтган йили Доҳада ўтказилган олимпия саралаш турнирида Токио йўлланмасига сазовор бўлгандим. Мақсадим Токио ўйинларида ғолиб чиқиш. Агар шохсупадан жой эгалласам, ғалабам шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилса, бу дунёда мендан бахтли инсон бўлмайди, — дейди ҳаяжон билан пара енгил атлетиканинг ядро улоқтириш йўналиши бўйича терма жамоа аъзоси Муҳаммад Рихсимов.

Тадбир давомида, шунингдек, Ўзбекистон спорт фахрийлари кенгаши раиси Б.Махситов, спортчи Н.Қурбонова ва бошқалар сўзга чиқиб, Токиода ўтказилаётган паралимпия мусобақаларида мамлакатимиз спорт шарафини улуғлашга отланган делегация аъзоларига омадлар тилади.

Токио шахрига йўл олаётган мамлакатимиз спорт делегациясини кузатиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.Абдувохитов иштирок этди.

**Тўлқин РЎЗИЕВ,
ЎЗА муҳбири**



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2667.

76603 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳис: Ойдин Алмаутдинова
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқуни — 03:50 Топширилди — 05:30